# Жалолиддин Мангуберди

Муаллиф:
08.03.2010 11:58 -



Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Кадрли мехмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!
Аввало, барчангизни кадимий ва мукаддас Хоразм заминида туриб, Ватан озодлиги учун жон фидо килган буюк аждодимиз Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги билан муборакбод этаман.
Ватанимизнинг кўпминг йиллик тарихи эл-юртимизни боскинчи, ёвуз кучлардан химоя килиш, миллатимизнинг эркинлиги ва ор-номусини асраш йўлидаги буюк вокеаларни, бу курашларда жасорат ва мардлик кўрсатган буюк шахсларнинг номларини асрлар давомида ўзининг ёркин хотирасида саклаб келмокда.
Жалолиддин Мангуберди - она юрт химоячиси, жасур саркарда ва давлат арбоби, халкимизнинг Спитамен, Муканна, Нажмиддин Кубро, Амир Темур сингари тарихда ўчмас из колдирган миллий кахрамонидир.
Жалолиддин Мангуберди - бор-йўги ўттиз икки йиллик киска хаёти давомида элу юрт учун, халк озодлиги учун сўнмас хизмат килишга улгурган улуг аждодимиздир.
Азиз дўстлар!
Жалолиддин Мангубердининг бекиёс жасоратини англаш учун, аввало, у яшаган тарихий давр, шу даврларнинг машаккатли ва бешафкат сахифаларини ўзимизга тасаввур килиб кўрайлик.
Шу пайтгача хеч кайси давлат, хеч кайси эл бас келолмаган, Хитой ва бепоён Сибирь ерларидан бошлаб бугунги Каспий ва Кора денгиз бўйларигача бўлган ўлкаларни забт этган, йўлида учраган шахар-кишлокларни ёндирган, дахшати ўзидан олдин етиб, не-не шоху шаханшохлар, амиру султонлар, саркардалар юрагига вахима солган Чингизхон лашкарининг Хоразм устига бало-казодай ёпирилиб келаётганини кўз олдингизга келтиринг.
Бир томондан, бой-бадавлат, иккинчи томондан, пароканда бўлиб ётган юртимизнинг ўша пайтдаги ахволини хам бир ўзингизга тасаввур килиб кўринг.
Чингизхон шундай бир машъум куч эдики, дунёдаги манаман деган канча зотлар унинг каршисида тиз чўкиб, куллук килиб яшашга тайёр эди.
Мухаммад Хоразмшох атрофидаги кўплаб беклар хам ёв кўлига таслим бўлишни афзал кўрганларида, Жалолиддин бу фикрга карши чикиб, ўзининг бекиёс жасорати ва катъиятини намоён этди. Шу пайтгача маглубиятга учрамаган мўгул лашкарига карши ўн бир йил муттасил жанг килди. Ва ганимларга шундай какшаткич зарбалар бердики, хатто

Чингизхондай маккор ва бешафкат, дунёнинг ярмини забт этган фотих хам унга тан беришга мажбур бўлди.
Айтинглар, азиз дўстлар, ана шундай калтис вазиятда ўзи каби фидойи, ботир инсонларни жипслаштириб, Хоразм заминини топташга шай турган ёвуз душманга карши чикиш учун одамда кандай журъат, кандай юрак, кандай ирода, канчалар бакувват иймон-эътикод бўлиши керак?
Айтинглар, бунинг учун инсонда Ватанга мухаббат, элу юртга садокат, фидойилик, озодликка интилиш туйгуси нечогли юксак бўлиши керак?
Кани, айтинглар, дўстларим, кадрдонларим, олдиндан ўзининг курбон бўлишини билатуриб, лекин Ватан учун, унинг ор-номуси, унинг тарихи ва истикболи учун зиммасига шундай огир кисматни олган зотларни тарихда кўп учратиш мумкинми?
Аминман, бундай шижоатли ва мард ўглонни дунёга келтирган, вояга етказган халк хар канча хурмат-эхтиромга, хар канча тасанноларга муносибдир.
Хурматли мехмонлар!
Кадрли дўстлар!
Султон Жалолиддин Мангуберди ўз элининг бахту саодати учун хаёт-мамот жангларида жон фидо этди. Лекин дунёда хеч кандай хайрли иш беиз кетмайди. Миллат рухи, одамзотнинг озодлик сари интилиши абадийдир.
Орадан бир аср ўтиб, сохибкирон Амир Темур Жалолиддин Мангуберди бошлаган озодлик курашини янги шароит ва улкан микёсларда давом эттирди. Она юртимизни боскинчилардан халос килиб, марказлашган кудратли давлат барпо этди.
Мухтарам жамоат!
Жалолиддин Мангубердининг хаёт йўлини тахлил киладиган, ўша тарихий вокеаларга бугунги кун кўзи билан караб бахо берадиган бўлсак, улар бизни мана шундай табиий ва ибратли сабок-хулосалар чикаришга ундайди.
Биринчи хулоса шуки, хаёт бор экан, давлат, эл-юрт бор экан, шу эркин, осуда хаётни кўролмайдиган, хасад ва фитна билан яшайдиган, зўравонлик билан ўз хукмронлигини ўрнатишга, халк тинчини бузишга уринадиган ёвуз кучлар хамиша бўлади.
Бу - хаёт. Бу - хаётнинг аччик хакикати. Уни хеч ким инкор этолмайди. Буни нафакат ўз тарихимиз ва хаётимизда, балки бошка халклар тарихи ва хаёти мисолида хам кўриш мумкин.
Иккинчи хулоса шуки, хаёт бор экан, давлат, эл-юрт бор экан, ўзинг тугилиб ўсган, ота-боболаринг хоки ётган, эртага фарзандларинг камол топадиган тупрокнинг хар бир каричини мукаддас билиб, уни химоялаш, зарур бўлса, бу йўлда жон фидо этишга тайёр туриш керак.
Учинчи аччик хулоса шуки, хар кайси эл, хар кайси юрт четдан келадиган ёвуз офатдан кўра, ўз ичидан чикадиган соткин, иймонсиз, ўзининг манфаатини хамма нарсадан устун кўядиган, керак бўлса, энг якин кишиларини хам сотадиган, ўзини ўстирган, вояга етказган Ватанига кўл кўтарадиган кабих кимсалардан нихоятда эхтиёт бўлиши керак.
Бундай кучлар, разил шахсларнинг кибру хавоси, манфур максадлари эл-юрт тинчлиги ва тараккиётига кандай хавф-хатар эканини бугунги хаётимизда кўриб турибмиз.
Такроран айтаман, бу нафакат кечаги тарихимиз, балки бугунги хаётимиз билан хамоханг аччик сабокдир.
Яна бир сабок шуки, эл-юрт ва давлат учун, унинг такдири ва келажаги учун кайгурадиган, одамларнинг эзгу ниятларини ўзига олий максад килиб кўйган, элим, деб, юртим деб ёниб яшайдиган, хар кандай вазиятда хам халкни бирлаштириб, турли

бало-казолардан асраш учун сафарбар эта оладиган шахслargина тарихда ўчмас ном колдиради. Бу - хакикат.
Жалолиддин Мангуберди ана шундай мардларнинг ёркин тимсоли ва ибратли намояндасидир.
Султон Жалолиддиннинг бизга колдирган яна бир даъвати шуки, у барчамизни она юртимизнинг бегубор осмонини ва осуда хаётини кадрлашга, ўсиб келаётган, эртага бизнинг ўрнимизни эгаллайдиган, дунёда хеч кимдан кам бўлмаган фарзандларимизнинг келажагини, бахт-саодатини химоялашга, ёруг истикболга интилиб яшашга чорлайди.
Кадрли ватандошлар!
Тарихи карийб уч минг йилга борадиган, буюк фан ва маданият ўлкаси бўлган, жахон цивилизациясига бебахо хисса кўшган улуг зотлар ватани, "Авесто"дек ўлмас асар яратилган табаррук тупрок - Хоразм замини бутун дунёга маълум ва машхур.
Бу юрт тенгсиз алломалар, азиз-авлиёлар, подшоху саркардалар, ботир ва пахлавонларни кўп кўрган. Улар орасида миллий кахрамонимиз Жалолиддин Мангубердининг бетакрор номи юлдуздек чараклаб туради.
Султон Жалолиддин сиймоси нафакат Хоразм, балки бутун Ўзбекистоннинг фахру гуруридир. У бизнинг озодлигимизга, истиклолимизга тажовуз килмокчи бўлган хар кандай ёвуз кучга карши тик туриб курашишга, мардона зарба беришга кодирлигимизнинг тасдиги ва тимсолидир.
Бу баходир зотнинг муборак номи, унинг кахрамонлиги келажак авлодларга, биринчи галда сиз билан бизга, тарихий хотира олдида бошимизни магрур тутиб яшамогимиз учун тўла хукук беради.
Азиз юртдошларим!
Азиз кадрдонларим!
Шу хаяжонли, унутилмас лахзаларда дунёга Мангуберди каби кахрамон ўглонларни берган Хоразм элига, бутун халкимизга таъзим киламан.
Биз бугун юртимизда Жалолиддин Мангуберди хотирасини хурматлаб, муаззам ёдгорлик мажмуини бунёд этдик. Кўриб турганингиздек, бу улугвор хайкал тимсолида мард ва жасур саркарда, зўр ирода, бекиёс матонат сохиби бўлган буюк инсоннинг сўнмас шижоати мужассам топган.
Бу гўзал ёдгорлик обидасини барпо этишдек хайрли ишга хисса кўшган мухандис ва меъморларга, мохир усталарга, курувчи ва богбонларга чин калбимдан самимий ташаккурлар билдиришга рухсат бергайсизлар.
Бизнинг буюк аждодларимизга кўрсатаётган хурмат-эхтиромимиздан, озод ва обод Ватан, фаровон жамият куриш борасидаги эзгу ишларимиздан, жамики азиз боболаримиз катори, Жалолиддин Мангубердининг хам рухи поки шод бўлгай, иншоолло.
Ишончим комилки, уларнинг ўлмас рухи билан чарогон хонадонларимизда бугун вояга етаётган минглаб жалолиддинлар юртимизга мехру садокат билан хизмат килиб, унинг шону шухратини бутун дунёга тараннум этади.
Ишончим комилки, Мангубердининг бекиёс жасорати юртимиз тинчлиги, халкимиз омонлиги, сархадларимиз дахлсизлигини кўз корачигидек асраб келаётган довюрак аскарларимиз, эл-юрт посбонлари, жасур ўглонларимиз сиймосида давом этаверади.
Ишончим комилки, дунёга буюк фарзандларни берган, киндик кони томган заминни, аждодларининг мукаддас мозорларини жонидан хам ортик кўрадиган, ўз ватанига бутун борлигини бахш этишга хамиша тайёр турадиган, кадок кўллари билан тупрокдан олтин ундираётган бундай халкнинг обрў-эътибори ва хурмати ошаверади.

Мухтарам юртдошлар!
Ватан ва халк озодлиги йўлида жон фидо этган кахрамонларга шон-шарафлар бўлсин!
Ана шундай баходирларни камолга етказган она халкимиз мангу яшасин!

ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ТАВАЛЛУДИНИНГ 800 ЙИЛЛИГИГА БАўИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАНГАН НУТК. 1999 йил 5 ноябрь